# ФИДОЙИ МЕҲНАТ, ЮТУҚЛАРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИК ТЎЙИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил 6 август СЕШАНБА № 59 (5.731) сотувда эркин нархда

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

## Август ойида экинни оби-тобида парвариш қилган заршунос ҳосилга ҳосил қўшади. Лоқайдлик, масъулиятсизлик қилган эса бор ҳосилни йўқотади

Маълумки, йигирма бешинчи июль куни республика Вазирлар Маҳкамасида 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда Президентимиз Ислом Каримов ислоҳотнинг бориши, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий силжишларни юқори баҳолади. Шу билан бирга камчиликларга ҳам тўхталиб, сабабларини атрофлича таҳлил қилди. Келгуси вазифаларни аниқ-равшан баён этди.

Ҳа, ютуқлар ўзимизники, Ундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Юртимизда беш йил мобайнида қилинган улкан ўзгаришларга ҳатто ривожланган давлатлар қойил қолмоқда. Бу аввало давлатимиз оқилона олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат туфайлидир.

Эндиги вазифамиз шу ютуқларни мустаҳкамлаш учун йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этишдир. Айниқса, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ривожланишни таъминлаш лозим. Сим орқали ўтган кенгашда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз ғаллакорларининг фидокорона меҳнати натижасида шу кунгача, 2,7 миллион тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинди. Унинг 1,8 миллион тоннаси давлатга сотилди. Юксак хирмонни бунёд этишда Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ғаллакорлари ғайрат кўрсатишди. Андижонликлар ҳар гектар ердан 51 центнердан ҳосил олишди. Шаҳрихон тумани бўйича бу кўрсаткич 63 центнерни ташкил этди.

Лекин қатор туман ва хўжаликларда кутилган ҳосил унмади. Кўпгина жамоалар гектаридан 17-20 центнердан дон йиғиштиришди, холос. Қорақалпоғистон Республикасида эса ҳосилдорлик 4 центнердан ошмади. Бу нимани кўрсатади? Уруғликка эътибор берилмагани, уни муддатида экиб, парвариш агротехника қоидалари асосида олиб борилмагани оқибати шундай бўлди. Агар ҳамма иш вақтида, сифатли адо этилганида минг-минг сўмлаб харажатлар беҳуда совурилмас, баъзи раҳбарларнинг турли баҳона-рўкачларига ўрин қолмас эди.

Ҳақиқий деҳқон биринчи навбатда сара уруғлик танлайди. Мўл ҳосил олишнинг бош омили — шу! Ушбу ақидага амал қилган андижонлик ва фарғоналик уста деҳқонлар келгуси йил ҳосили учун керакли уруғликни ғамлаб қўйишди. Водийлик фидойилар куюнчаклигини, касбига садоқатини ҳар қанча мақтаса арзийди.

Бироқ бошқа жойларда манзара бунинг акси эканлиги кишини ранжитади. Катта майдонда ғалла етиштирадиган Жиззах вилоятида эндигина 6,1 минг тонна уруғлик ҳозирланди. Сирдарёликлар эса бу топшириқни бор-йўғи 17 фоизга етказишди. Кегейли, Ромитан, Арнасойда уруғлик ғалла тайёрлаш 2-5 фоиздан ошмаган. Янада ачинарлиси, Нурота, Пахтачи, Оқ олтин, Янгийўл каби қатор туманларда ҳанузгача бир килограмм ҳам уруғлик тайёрланмаган.

## ШУ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

*Тармоқ таҳлили*

Аҳвол шу тарзда давом этаверса эртага нима бўлади? Август ойи ҳам ўтиб бораяпти, кузги ғалла экиш мавсуми яқинлашаяпти. Ёки илгаригидек яна давлатдан оламиз, деб ўйлашадими? Кенгашда қатъий айтилганидек, бу йил давлат уруғлик ажратмайди. Ҳамма ўзи ҳаракатини кўрмоғи лозим.

Иккинчидан, сара уруғлик ўрнига тўғри келган донни экишга йўл қўймаслик керак. Негаки, бултур Сирдарё вилоятида ғаллага ажратилган майдоннинг 80 фоизига истеъмолга мўлжалланган дон ташланди. Пировардида ҳосилдорлик ўнлаб жамоаларда ҳатто 20 центнерга ҳам етмади. Уққанга бир гап етади, деганларидек, асл деҳқон бир хатони икки марта такрорламайди.

Ғўза парваришида ниҳоятда масъулиятли, долзарб палла бошланди. Август — ҳосил йиғадиган, озгина бефарқлик қилинса ҳосилни йўқотадиган ой. Бу ҳар бир пахтакорга яхши аён. Текширишлар шуни кўрсатадики, Қамаши, Жондор, Челак, Гўзалкент, Шароф Рашидов, Бекобод туманларида экин ривожи суст. Далалардаги ғўза авжи ўтган йилгидан 15-20 кун орқада. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти баъзи майдонларида кўчатларда эндигина 1-2 тадан кўсак йиғилган.

Агротехника тадбирлари ҳамма ерда бирдек ўтказилаяпти, деб бўлмайди. Культиваторлар сифатсиз ишлаши натижасида экинга зиён етмоқда, не машаққатлар эвазига етилтирилган ҳосил нишоналари тўкилмоқда. Устига-устак мавжуд культиваторлардан унумли фойдаланилмаётир.

Ҳозирги пайтда экинни қондириб суғориш катта аҳамиятга эга. Биринчи августгача республикамиз бўйича ғўзалар 3,2 марта суғорилиши лозим эди. Аслида 2,2 марта суғорилди. Ваҳоланки, шунча сув билан экинларни 2,8-2,9 марта суғориш мумкин эди. Баъзи жойларда бор сувдан фойдаланишда меъёрга амал қилинмаяпти. Айрим туманларда бир гектар майдонга 1400-1700 куб метр оби ҳаёт таралса-да, экинлар чанқатиб қўйилган. Сабаби ариқлар жуда узун олинган, суғориш қоидаларига амал қилинмаган. Етарли миқдорда сувчи ажратилмаган.

Сувчи — экинни яшнатувчи, деган нақл азалдан бор. Дарҳақиқат, шу кунларда ҳосил тақдири кўп жиҳатдан сувчига боғлиқ. Қаердаки сувчи меҳнати қадрланса, унинг ишлашига етарли шарт-шароит яратилган бўлса, ўша жойдаги экин ривожи кўнгилдагидек. Бироқ қатор хўжаликларда икки-уч нафар сувчининг вазифаси бир кишига юклатилган. Оқибатда қийинчиликлар туғилиб, сув исрофгарчилигига йўл қўйилаяпти. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири М. Жуманиёзов батафсил тўхталди.

Бугуннинг яна бир муҳим вазифаси ғўза зараркунандаларига қарши курашишдир. Амалдаги йил об-ҳаво шароитида кўсак қурти капалаги, карадрин кўпайди. Ушбу зараркунандалар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари пахтазорларига хавф солаяпти. Уларга қарши кураш чораларини тезда кўрмоқ даркор. Препарат, стимуляторлар эса етарли.

Мана, ҳадемай пахта йиғим-терим мавсуми бошланади. Ҳосилни қанча тез саранжомлаб олсак, ўзимизга шунча яхши. Кўнглимиз хотиржам бўлади, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмайди. Бунинг учун эса зангори кемалардан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки техника мададисиз тўрт миллион тонна дурдонани қўлда териб ололмаймиз. Бунга имкон ҳам, вақт ҳам йўқ.

Бултур ўнлаб туманларда хўжакўрсинга техника «тахт» қилинди-ю, пайкалга етмаёқ тўхтади. Мавсум чўзилиб кетди. Техника таъмирига жиддий киришилмаса эртага аттанг дейишдан фойда йўқ. Август ойи бошланган бўлса-да, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида таъмирлаш ишлари ҳамон суст. Мирзаобод, Сирдарё, Қизириқ, Шеробод туманларида пахта териш машиналарининг 25-30 фоизигина мавсумга шай қилинган.

Баъзи раҳбарлар эса ҳунузгача ёлғон маълумотлар бериш билан овора. Гўё шу билан кутулдим, деб ўйлашади. Ўзларини ўзлари алдашаётганини мулоҳаза қилишмайди. Ҳозир республика хўжаликларида 16 минг ишга яроқли зангори кема бор. Шулардан самарали фойдалана олсаккина ўрим-йиғимни ёғин-сочинли кунларга қолмай якунлаймиз.

Суғориладиган майдонлардаги ғалла ўриб-йиғиб олинди. Ўрим эрта тугалланган ерларга такрорий экинлар экилди. Бу яхши, бироқ қолган ерларни шудгорлаш ишлари асоссиз равишда чўзиб юборилияпти. Мамлакатдаги 13 минг ҳайдов тракторидан 4,3 минги ишлатилмоқда. Шулардан ҳам имкон даражасида фойдаланилмаётир.

Нон каби гўшт ва сут инсонга кунда керак. Шуни доим ёдда тутиб ота-бобомиз ўзидан кейинги авлодларга беҳисоб туёқ қолдириш ҳаракатида бўлган. Шу удумни энди биз давом эттиришимиз даркор.

Яна бир ярим ойдан кейин чорва қишлови бошланади. Ҳозир озуқа ғамлашнинг айни пайти. Республика бўйича озуқа жамғариш бор-йўғи 22 фоиз бўлди. Бухоро вилоятида ҳар бош шартли молга 4,5 центнер, Тошкент вилоятида 5 центнер озуқа бирлиги ҳозирланди, холос. Бу кетишда эртага чорванинг аҳволи нима бўлади? Сўнгги икки йилда йўқотилган чорва моллари каммиди? Энди бунга йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда жабрини ўзимиз тортамиз.

Озуқа экинлари етиштиришда имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани жуда ачинарли. Қашқадарё вилоятида беда уч марта ўрилганда ҳосилдорлик ўртача 6,7 центнердан, Сирдарёда эса 13,2 центнердан тушди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Шунинг учун ҳам маҳсулдорлик кун сайин пасаймоқда. Сирдарё, Сурхондарё, Навоий, Жиззах вилоятларида ҳар бош соғин сигирдан бир кунда 1,5-2 килограмм сут соғиб олинаётгани наҳотки тармоқ мутасаддиларини ташвишлантирмайди?

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ғалла уруғлиги тайёрлашда, ғўза парваришида, йиғим-теримга ҳозирлик кўришда нуқсонлар мавжуд. Уларни бартараф этиш аввало туман ҳокимлари, агрохизмат уюшмалари раислари ва хўжалик раҳбари зиммасидадир. Сим орқали ўтган кенгашда уруғлик жамғариш, уни тозалаш ва дорилашни биринчи сентябргача туғаллаш вазифаси қўйилди. Экиш ишларига 16 сентябрдан киришиш, гектарига 250 килограммдан дон ташлаш зарурлиги уқтирилди.

Юқорида айтганимиздек, август ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Ғўза парваришига эътиборни янада кучайтириш даркор. Мамлакатимиз далаларида бу йил мўл ҳосил етиштиришда ўзаро текшириш бригадалари муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Улар ҳамкасбларига камчиликларни рўйирост, дўстона айтсалар умумишга катта нафи тегади. Техника таъмирини кеча билан 10 сентябргача тамомлаш шарт.

Сим орқали ўтган кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимлари амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот бердилар.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди. Унда Бош вазир ўринбосарлари Р. Гиниятуллин, У. Исмоилов, К. Раҳимов, Қ. Ҳаққулов ва М. Усмонов иштирок этдилар.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» газетаси деҳқончилик бўлими мудири.**

## ЮРТИМИЗНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ



Избоскан туманидаги «Пойтуғ» ширкатлар уюшмаси 3-ширкати пахтакорлари бу йил 615 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Ҳозиргача ғўзалар 3 марта қондириб суғорилди, 5 марта сифатли ишловдан чиқарилди. Миришкорлар ҳар гектар майдондан 32 центнердан хирмон кўтаришни ният қилишган. Айни пайтда ҳар туп кўчатда 8-9 тадан бўлиқ кўсак бор.

Суратда: учинчи деҳқончилик ширкати раиси Мамасоли Ҳайдаров

**Т. ҒАФУРОВ олган сурат.**

### МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

Мустақиллик бешинчи йилида салкам уч минг тонналик пахта хирмони уйиш иштиёқида меҳнат қилаётган Хазорасп туманидаги «Обод» жамоа хўжалиги деҳқонлари ғўза парваришини тобора авж олдирмоқда. 930 гектар майдондаги экинга агротехник талаблар асосида ўз вақтида ишлов бериш, ўғитлаш ва чеканкалаш ишлари зараркунанда ҳашоратларга қарши кураш билан бирга олиб борилмоқда. Ҳосилга ҳосил қўшиш, уни тўла сақлаб қолиш учун барча воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Ҳар туп ғўзада 14-16 тадан кўсак ва шона бор. Бу эса ҳосил мўл бўлишидан дарак беради.

### ТАДБИРКОРЛИК

ҚЎРҒОНТЕПА. «Намуна» хусусий фирмаси қурилиши ниҳоясига етди. Уни зарур ускуналар билан жиҳозлаш мураккаб технология линиясини қисқа муддатда ўрнатишда маҳаллий тадбиркорларга Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Изланиш» тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари ёрдам беришди.

Андижон вилоятининг ғалла етиштириладиган шимолий қисмида барпо этилган янги корхонада дон чиқитларидан вино ва тиббиёт учун зарур бўлган спирт тайёрланади. Корхонада 30 дан ортиқ киши меҳнат қилади.

Қўрғонтепа туманининг Шароф Рашидов номидаги агрофирмаси ва Хўжаобод туманининг Мадиёров номидаги агрокомбинати жамоалари тадбиркорлар билан спирт етказиб бериш бўйича шартнома тузди.

### ҲИССАДОРЛАР ҲИССАСИ

Касби туманида чорвачиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Мавжуд фермалар мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатаяпти. Масалан, учта жамоа ҳиссадорлик асосида иш юритаяпти. Асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган.

Ўтган йили ҳар бир бош сигирдан 2400 килограммдан сут соғиб олинди. 1995 йилнинг ўтган етти ойи жорий йилнинг шу даври билан таққосланганда гўшт, сут ишлаб чиқариш ошганлиги ойдинлашди. Айни пайтда ҳар бир говмишдан 7-8 килограммдан сут соғиб олиняпти.

Озуқа экинлари ўрими ҳам қизғин давом этмоқда. Чорвадорлар мўл озуқа жамғариш учун бор имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Шунингдек, ғалладан бўшаган майдонларга озуқа экинлари экиляпти.

**Ҳ. БОЛТАЕВ.**

### *ЧОРТОҚ НОЗ-НЕЪМАТИ*

Улкамизда айни пишиқчилик. Шу кунларда ноз-неъмат бунёдкорлари ўзлари етиштирган картошка-сабзавот, қовун-тарвуз, узум, олмаларни йиғиштириб олиб эл дастурхонига етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ғарқ етилган ёз неъматларини уринтирмай истеъмолчиларга жўнатишда чортоқлик миришкорлар ҳам самарали меҳнат қилишаяпти. Туманнинг дала, боғ ва узумзорларида ҳозир ишлар ниҳоятда қизиган. Чортоқликлар йил давомида халқимизга 23 минг тонна сабзавот, 9 минг тонна узум, 7,5 минг тонна мева етказиб беришга аҳд қилишган.

Туман хўжаликларида боғбон ва миришкорларнинг унумли меҳнатдан сўнг хордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё этилган. Дала шийпонларида ҳар куни иссиқ таом тайёрланади. Ишнинг намунали ташкил этилгани туфайли азаматлар кунига 100 тоннадан зиёд ноз-неъмат топширмоқдалар. Меҳнат баҳсида сабзавотчиликка ихтисослашган Бобур номли, «Пешқўрғон» жамоа хўжаликлари аъзолари пешқадамлик қилишаяпти.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ.**

## АВГУСТ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ

*ТАЖРИБА, ТАВСИЯ*

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фан тавсияларини кенгроқ жорий этишни кўзлаб меҳнат қилаётган мамлакатимиз пахтакорлари йилнинг ўтган даврида тармоқни ривожлантириш йўлида бирмунча яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, куз ойларида пушта олиш, ерга экишдан олдин минерал ўғит бериш ҳажмлари кенгайтирилди, асосий майдонларда кўчат сони олдинга йилларга нисбатан ошди, ғўзани бузиб экиш кам бўлди.

Хўжаликларни минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, кимёвий моддалар билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Кўпчилик минтақаларда сув билан таъминлаш 1995 йилга нисбатан яхшиланди.

Бу қулайликлардан оқилона фойдаланаётган деҳқонлар ғўзанинг ривожланишидаги баҳор бошидан бери келаётган қолоқликни кескин камайтиришга эришмоқдалар.

Аммо 3 августда бўлиб ўтган селектор кенгашида таъкидлаб ўтилганидек, кўп жойларда ғўзанинг ривожи ўтган йилга нисбатан икки ҳафтагача орқада қолмоқда.

Республиканинг барча хўжаликларида ўтказиладиган оммавий кузатишларга қараганда ҳар туп ғўзада ўртача 4,9 дона кўсак борлиги аниқланди. Бу 1995 йилдагига нисбатан 0,5 кўсак оздир. Ҳар тупда 1-2 кўсакдан кам бўлган майдон Сирдарё вилоятида 58 фоизни, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 18-22 фоизни ташкил этади.

Демак, ўтган йилгидан зиёд ҳосил олиш учун август ойида агротехника қоидаларига ниҳоятда эътибор бериб, парвариш бенуқсон ўтказилиши керак.

Афсуски, ҳамма жойда бу масалага етарлича эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Вилоят, туман ва хўжаликлардаги ғўзаларнинг аҳволи бир хил эмас. Шунинг учун ҳар бир пайкалдаги экин аҳволини чуқур ўрганиб чиқиб, зудлик билан тадбир кўриш талаб қилинади.

Эртапишар, мўл ҳосилни яратиш ҳозирги кунда суғориш, чилпиш, қатор ораларини ишлаш, зараркунандаларга қарши курашни сифатли ўтказишга боғлиқ. Экинни яхшилаб суғориб, тупроқни вақтида культивация қилиш ғўзаларда кўсаклар сонини кўпайтиришнинг муҳим омилидир.

(Давоми 3- бетда).

